

## «Қуръони Каримни ёд олиш ва тиловат қилиш маркази» талабалари мусобақада ғолиб бўлдилар



12:28 / 11.05.2023 1077

Байрутнинг Зайдония минтақасида жойлашган Қуръони Каримни ёдлаш ва тиловат қилиш маркази талабалари Байрутда ҳар йили ўтказиладиган «Сайид Шариф Фаиз Абдулҳаким Ҳасан» номи остидаги Қуръони Карим мусобақасида биринчи ўринни қозониб, ғалабага эришдилар. Ушбу мусобақа натижалари жорий йилнинг 9 май сешанба куни эълон қилинди.

Натижалар қуйидагича:

Ҳифз бўйича биринчи ўринни Ҳамза Ал Ҳож, иккинчи ўринни Зайнаб Шаҳл, учинчи ўринни эса Муҳаммад Муҳаммад Муқбил эгаллади.

Шу муносаба билан «Қуръони Каримни ёд олиш ва тиловат қилиш маркази» раҳбарияти Байрутдаги Қуръон мусобақасида ғолиб бўлган талабаларни табриклади.

Эслатиб ўтамиз, «Қуръони Каримни ёд олиш ва тиловат қилиш маркази»

Қуръонга ихтисослашган вақф кўринишидаги таълим муассасаси бўлиб, «Вақфул Қуръанил Карим хайрия ташкилоти» номи остида фаолият юритади. Ушбу ташкилот Ливандаги Ислом иттифоқи уюшмасига қарашлидир. Унда йигит-қизлар, ёшу қари, эркак ва аёлларга Қуръони Карим ва унга боғлиқ илмларни таълим бериш, ёдлатиш кўзда тутилган.